



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари бир-бирларини дилдан қўлаб, кириб келаётган янги 2021 йил муносабати билан самимий табриқлар алмашдилар, дўст халқларга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этдилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан суҳбатда коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда давлатларимиз пандемияга қарши курашиш, жаҳон иқтисодий ва эпидемиологик инқирози оқибатларини енгиб ўтишда бир-бирига ҳар томонлама ёрдамлашгани ва амалий кўмак кўрсатгани катта мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия вакцинасини ишлаб чиқариш бўйича кооперация имкониятлари фаол ўрганилмоқда.

Юзага келган вазият ва қийинчиликларга қарамай, барча даражалардаги фаол алмашинувлар давом эттирилди. Икки томонлама савдо кўрсаткичлари сезиларли ўсишига эришилди, саноат кооперацияси бўйича қатор йирик лойиҳалар ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурлари йўлга қўйилди.

Россия Федерацияси мамлакатимиз МДҲга биринчи бор муваффақиятли раислик қилишига ҳамда Ўзбекистон Республикасига Евроосиё иқтисодий иттифоқида қўзғувчи мақоми берилишига салмоқли кўмаклашди.

Суҳбат чоғида Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам қатъий интилишлари ва бу борада биргаликдаги саъй-ҳаракатларини давом эттиришларини тасдиқладилар.

Келгуси йил режасига киритилган икки ва кўп томонлама тадбирларга пухта тайёргарлик кўришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлиkning долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқотда глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазият юзага келган бир шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари барқарор ривожланишда давом этгани, сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойигани катта мамнуният билан қайд этилди.

Пандемияга қарши курашишда ўзаро ёрдам кўрсатилди. Фаол икки томонлама

мулоқотлар, иқтисодиётнинг турли тармақларида қўшма кооперация лойиҳалари давом этди, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайди.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш муҳим экани таъкидланди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан суҳбатда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал инқироз оқибатларига қарамай, якунига етаётган йилда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарига, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига, ўхшаш тарих, маданий ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда салмоқли натижаларга эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари 2021 йилда кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича қўшма режаларни, шунингдек, икки томонлама алоқалар ва халқаро тузилмалар, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги бўлажак тадбирлар режасини атрофлича кўриб чиқдилар.

Президентлар савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга, келгуси йилда ишбилармонлик ва маданий тадбирларга бой дастурни амалга оширишга келишиб олдилар.

Янги йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқотда ўтаётган йилнинг барча хатар ва қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг изчил ривожланиши таъминлангани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлиқни, жумладан, савдо портфелини янада кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва энергетика соҳаларида алоқаларни чуқурлаштириш лозимлигини қайд этдилар.

Ҳудудлар ўртасидаги яқин ҳамкорлиқни давом эттириш, маданий-гуманитар алмашинувнинг кенг дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Президентлар, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр аллашиб, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига 2021 йилда Евроосиё иқтисодий иттифоқида муваффақиятли раислик қилишини тилади.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан икки томонлама алоқалар ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг биринчи галдаги вазифалари белгиланди.

Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, жумладан, товар айирбошлашни кўпайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Мамлакатимиз етакчиси биродар Тожикистон Президентига 2021 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раисликда муваффақият тилади.

Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов давлатимиз раҳбарига коронавирус пандемиясига қарши курашда кўрсатилган катта кўмак ва амалий ёрдам, жумладан, Қирғизистон ҳудудларида мобиль тиббиёт марказларини куриш лойиҳалари амалга оширилгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали шериклик алоқаларини изчил мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги кун тартибидagi муҳим масалаларни, энг аввало, саноат кооперацияси, савдо, иқтисодиёт ва минтақавий транспорт йўлақларини ривожлантириш чораларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил бошида Қирғизистондаги муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишда муваффақият тилади.

Телефон мулоқотлари ҳар доимгидек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори **1,1 баробарга оширилсин.**

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — **ойига 747 300 сум;**

базавий ҳисоблаш миқдори — **245 000 сум;**

14 ёшгача болалари бўлган oilаларга нафақа, бола икки ёшга тулгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган oilаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож oilаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2021 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини

тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Базирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 3-илоvasида кўрсатилган 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб **ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:**

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,8 фоиз.

5. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган **йирик солиқ тўловчилар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлари прогнозининг ошириб бажарилган қисми тўлиқ ҳажмида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетига қўйиладиган:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно);

Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида аёллар, таълим ва ёш авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида урғу берилгани эътирофга лойиқ

Халқаро жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон парламентига йўллаган Мурожаатномасида таъкидланган муҳим ташаббусларнинг долзарблигини қайд этмоқда.



Сунарио КАРТАДИНАТА, Индонезия элчиси:

— Ўзбекистон Президентининг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жаҳалларини қамраб олган ва

келажакка йўналтирилган Мурожаатномаси менда катта таассурот қолдирди. Мурожаатномада таълим ва ёш авлодни камол топтириш масалаларига урғу берилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Буларнинг барчаси жуда муҳим ва стратегик аҳамиятга эга. Давлат раҳбари натижадорлик ва Ўзбекистоннинг изчил тараққиётига катта эътибор қаратаётгани сезилиб турибди.

Мамлакатнинг таълим сиёсий фаолияти давлатнинг демократик моҳияти ва унинг очилишига асосланаётганини таъкидлайман. Ўзбекистон ўзининг меҳмондўстлик маданияти руҳида чет элликларни нафақат мамлакат ичиди, балки барча давлатлар

олдида турган глобал вазифалар ечими йўлида биргаликда ишлашга қадимдан. Бундай кенг дунёқараш Президентнинг БМТдаги чиқишлари пайтида ҳам намойён бўлган эди. Ўзбекистон етакчиси нуфузли халқаро ташкилот майдончасида динга ҳурмат, бағрикенглик, демократик тараққиётга содиқлик каби долзарб масалаларни кўтарди.

Мурожаатномада Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу соҳанинг жадал эволюцияси яққол кўзга ташланмоқда, мамлакатга ишончли сармоя киритаётган инвесторлар сафи кенгаймоқда.

Давоми 3-бетда

Муносабат

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади



Агрипина ШИН, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга Мурожаатномасида мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари баён қилинди, келгусида ёшлар, хусусан, мактабгача ёшдаги болаларга муносиб таълим-тарбия бериш, улар-

ни ушбу таълим билан қамраб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада “Бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади. Шу боис ҳам, келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз — ижтимоий аҳволидан қатъи назар, боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат. Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади”, дея таъкидлаб ўтди.

Давоми 3-бетда

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР мамлакат тараққиётининг заминидир



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири, академик

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисида Мурожаатномасида 2020 йилнинг мураккаб шарт-шароитида халқимиз саломатлиги йўлида бажарилган ишлар, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқарувида давр талаб қилган янги усуллarga ўтилгани, халқ хўжалигининг барча соҳаларида тезкор мослашув ва

янги ечимлар натижасида ўсиш ва ривожланиш таъминланганини таъкидлади. Мамлакатдаги туб янгиланиш ва ислохотларнинг бир зум ҳам тўхтаб қолмаганига эътибор қаратиб, ушбу ҳаётбахш жараёнда ўзининг фидокорлиги, садоқати, ватанпарварлиги билан халқ хизматида бўлган юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Мурожаатномада илм-фан ва инновацияларга алоҳида тўхталиб, “Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир”, дегани барчамизда гурур ва фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклади.

Кириб келаётган янги йилимизнинг “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб аталиши бошқа соҳалар билан бир қаторда мазкур йўналишларда инновацияларни янада кенг-роқ жорий этишни тақозо этади.

Давоми 2-бетда

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ

2021 йилда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлади



Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

Жорий йилда маданият ва санъат соҳасига қаратилган юсак эътиборнинг давоми ўларок, келгуси йилда ҳам бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайишидан бағоят мамнунман. Алоҳида эътироф этиш жоизки, энг ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий масалалар ечими бирламчи

бўлиб турган бир пайтда юртимизда маданият, санъат, илм-фан, маънавиятни юксалтириш борасидаги ишлар жадал тус олмақда. Бу ҳам бўлса, халқимизнинг миллий ўзгичилигини йўқотмаслик, ҳар қандай вазиятда аждоқларимизнинг ёруғ йўли, улар тутган ишларга хайрихоҳ эканидан далолатдир.

Президентимиз Олий Мажлисида Мурожаатномасида пойтахти азиямда замонвий кутубхона ва Алишер Навоий халқаро ижод мактабидан иборат маърифат ва маданият мажмуаси барпо этилишини гурур билан айтганида, менимча, минг-минглаб йигит-қизлар — эртанимизнинг муносиб эгалари қалбида янги-янги умид учқунлари пайдо бўлди. Зеро, 2021 йилда улғу мутафаккир бобомизнинг 580 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш, ҳазрат номидаги ижод мактабини очиб билан буюк аждоқимизга муносиб ворисларни камолга етказиш назарда тутилган.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қоллиндиған даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно). Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўлландиған солиқлар бундан мустасно) инобатга олинади.

Молия вазирлиғига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 4-чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2021 йил январь ойида амалга оширилади ва 2020 йил учун ҳисоботларда акс эттирилади.

7. 2021 йил учун олтиндан асаланган заргарлик бюмларини чакана савдода сотганлик учун йўғим микдори 1 граммга 1 000 (бир минг) сўм микдоридан саклаб қолинсин.

8. Белгилансинки, 2021 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилганлик учун жарима солинмайд.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинсин.

10. 2021 йил 1 январдан бошлаб: “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий, қумуш ва мис бўйича 15 фоиз микдоридан;

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун фойда солиғи ставкалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма қасса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам микдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Халқ таълими вазирлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Сув ҳўжалиғи вазирлиғи ва Транспорт вазирлиғи ҳўзурдағи Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан

фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиғи индикаторлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Сув ҳўжалиғи вазирлиғи ва Автомобиль йўллари қўмитаси: мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юритсин;

ҳисобот чорағи якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси тўғрисидағи ҳисоботларни шакллантириш ҳамда кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот бериш учун Молия вазирлиғига киритсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Молия вазирлиғи 2022 йил учун Давлат бюджетди лойиҳасини шакллантиришда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгиланган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилсин ҳамда 2022 йил учун Бюджетномада акс эттирсин.

Ривожлантириш дастурларининг самарадорлиғи натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида ички аудит хизматларини жорий қилсин.

13. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиғи мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи Кадастр агентлиғи, “Ўздаверлоийҳа” илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 апрелгача қишлоқ ҳўжалиғи ерлари бор юридик шахслар, жумладан, деҳқон ҳўжаликларига ерларни солиққа тортиш учун норматив қийматини етказсин.

15. Молия вазирлиғи: а) 2021 йил 1 апрелга қадар: Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиғи билан биргаликда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш тартибини;

Бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосида аниқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июлга қадар Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини, шунингдек, ушбу жамғармалар

бюджетларининг ижроси тўғрисидағи ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

16. 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиғи ҳўзурдағи Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилсин, жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳамда жамғарманин жорий йил охирига қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши таъминлансин.

Белгилансинки, 2021 йилда коронавирис инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан коронавирис пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдағи “Коронавирис пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ғи ПФ-5978-сон Фармонида 1-иловада назарда тутилган товарларни (оқ ва бошқа шаклардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси 2021 йил 31 декабрга қадар қўлланилсин.

22. Молия вазирлиғи Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиғи ҳамда Ички ишлар вазирлиғи билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланадиган дастурларда иштироки натижасида 2021 йил 1 январдан бошлаб олинган бонуслар, муқофотлар кўринишидағи пул тўловларининг жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Давлат солиқ қўмитасига 2021 йилда ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдағи “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ғи ПФ-6098-сон Фармонида кўзда тутилган онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари асосида совринли ўйинларни 2021 йилда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қўллашга рўхсат берилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорлари 2021 йил 1 январдан 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарини Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 декабрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ 2021 йилда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлади

Бошланиши 1-бетда

Мана шундай улғувор, салоҳиятли ижод мактабига монанд миллий кутубхонанинг барпо этилишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор, албатта. Унда илм нури, китоблар сеҳридан баҳраманд бўладиган ёш авлоднинг руҳи тоза, мақсадлари эзгу бўлиши аниқ. Алишер Навоийнинг “Кўёшлиғ истасанг касби камол эт”, “Одами эрсанг демағил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами” каби бебаҳо мисралари уларни илмий, халқпарвар, юртсевар бўлишга қорлайди.

Илгари кўп йиллар давомида ўтказиб келинган Тошкент халқаро кинофестивали “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайтадан тикланишини эшитиб, барча киноижодкорлар ҳамда мазкур соҳа вакилларининг кўнгли тоғдек кўтарилганига ҳам шубҳа йўқ.

Тошкент шаҳрининг марказида Мил-

лий академик драма театри, машҳур япон архитектори Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейининг қад ростлаши эса театр ва музейларимиз тарихи зарваракларига яна бир энг қувончли, муҳим тарихий воқеалик сифатида муҳрланади. Зеро, бугун одамларимиз театр ва музейларга қайта бошлади. Улардаги асл жозибадорлик, миллий ўзлигимизнинг акси, ўлмас маънавий меросларимизнинг қадри қай даражада юқори эканини эндиликда халқимиз теран тушуниб етмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, келаси йилда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бюджетдан 420 миллиард сўм йўналтирилиб, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилгани ҳам соҳа ривожига жиддий ёндашувдан далолатдир. Чиндан ҳам кейинги пайтларда маданий мерос объектларини

асраб-авайлаш билан боғлиқ ишларини япон архитектори Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейининг қад ростлаши эса театр ва музейларимиз тарихи зарваракларига яна бир энг қувончли, муҳим тарихий воқеалик сифатида муҳрланади. Зеро, бугун одамларимиз театр ва музейларга қайта бошлади. Улардаги асл жозибадорлик, миллий ўзлигимизнинг акси, ўлмас маънавий меросларимизнинг қадри қай даражада юқори эканини эндиликда халқимиз теран тушуниб етмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, келаси йилда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бюджетдан 420 миллиард сўм йўналтирилиб, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилгани ҳам соҳа ривожига жиддий ёндашувдан далолатдир. Чиндан ҳам кейинги пайтларда маданий мерос объектларини



ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР мамлакат тараққиётининг заминидир



Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз раҳбари ёшларга сифатли таълим бериш, уларни илм-фанга қизиқтириш ва тадбиркорликка йўналтиришни энг муҳим омили сифатида қайд этди. Келгуси йилда олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида докторантлар сонини 4,5 минг нафарга етказиш топшириғини берди. Бу 2017 йилдағи кўрсаткичдан уч баробар кўп ва ёшларнинг илм-фан билан шуғулланишига катта имкониятлар очади. Бу мақсадга эришиш учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилаётгани бўлгуси олимларимизнинг сифатли билим олиши, ўз қобилият ва салоҳиятини тўлалигича илмий тадқиқот ишларига йўналтириши учун замин яратади.

Жорий йилда Ўзбекистон Глобал инновацион индексда 29 поғона юқорилади. Айнан мазкур индекс давлатлардан илмга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш қўламини белгилайди. Индекс индикаторлари чуқур таҳлил қилинса, уларнинг ҳар бири ортда инсон капитални, яъни илм-фан ютуқлари натижалари ётганини кўриш мумкин. Ўз навбатида, Глобал инновацион индекс бевосита мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада ривожланганини ҳам кўрсатади. Ундағи мавқеи ҳам мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот бўйича дунё мамлакатлари орасидағи нуфузини кўрсатади. Бу таълим сифати юқори, илм-фан тараққий этган давлатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам юқори бўлишини исботлайди.

Мурожаатномадан кўтарилган масалалар ижроси, айниқса, докторантлар сонини кўпайтириш, таълимнинг узлуksизлигини таъминлаш Глобал инновацион индексдағи мавқеимизнинг янада юқорилишига хизмат қилади. Демак, иқтисодий кўрсаткичларимиз ўсиб, аҳоли турмуш тарзи яхшиланади. Президентимиз “Иқтисодий эркинлик” рейтингинида мамлакатимиз 26 поғона юқоридаги ислхотларимизнинг ҳалқаро майдондағи яна бир эътирофи бўлганини қайд этди. Бир-бирига боғлиқ бўлган мана шу рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори поғоналарга кўтарилиши юртимиздағи кенг қўламли, теран ислхотларнинг натижасидир.

Инновацион ривожланишда таълим энг муҳим жиҳат саналади. Айнан таълим соҳаси инновационлиғи дастлабки қадамларидандир. Ўтган давр мобайнида ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етгани қувонarli натижа, албатта. 2020 йилда мамлакатимиз тарихида илк бор математика, кимё, биология ва геология фанлари илмининг устувор йўналишлари сифатида белгиланиб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилган бўлса, 2021 йилда физика фани ва хорижий тилларни ўрганиш биринчи ўринга қўйилди.

Дарҳақиқат, дунёдағи барча кашфиётларнинг яратилишида физика фани фундаментал асосдир. Ушбу фан қонуниятлари юқори технологиялар билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришга ҳисса қўйса, хорижий тилларни мукаммал билиш ёшларга замонавий билимларни янада кенгроқ эгаллашга ёрдам беради. Бу, айниқса, Инновацион ривожланиш вазирлиғи масъул бўлган соҳа — илм-фан ривожланишининг муҳим жиҳатидир.

Бу йил олимларнинг инглиз тилини пухта эгаллашга ёрдам берувчи “English for science” лойиҳаси йўлга қўйилгани тадқиқотчиларимизнинг илмий



ёрдамида текширади. Худди бемор ёнида ўтказилган кўрик сифатига тенг сифатли текширув усулларидан фойдаланиб, ташхислаш ва терапевтик даво ўтказиш имконияти мавжуд. Бунда беморнинг чекка ҳудуддан марказга келишига зарурат қолмаслиғи муҳим.

Биргина мана шу мисол мамлакатимизда улкан иқтисодий ва илм-фан тараққиёти йўлидағи янгиликлар инновацион гоғларга асосланган ҳолда амалга оширилаётганининг далилидир. Шунда муассасалардан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида ҳам ташкил этилган. Мазкур DMC инно-

вацион клиникаси биринчилардан бўлиб очилаётган кўп тармоқли инновацион клиника ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу клиника Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш тизимига янги технологиялар ва инновацияларни олиб кирди. Клиникада энг сўнғи турдағи замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Биноси эса бошқа клиникаларни тақрорламаган ҳолда, ўзига хос услубда қурилган.

Беруний DMC инновацион клиникаси соғлиқни сақлашнинг бир неча йўналишлари, жумладан, кардиология, офтальмология, қулоқ-бурун касалликлари, ортопедия, стоматология, клиник лаборатория ва инструментал текширувлар бўйича жаҳон стандартларига мос, юқори даражада тиббий жиҳатлар кўрсата олади. Шунингдек, клиникада жарроҳлик бўлими мавжудлиғи фуқароларга шу жойининг ўзида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини беради. Айнан DMC инновацион клиникасида ҳозир энг мураккаб жарроҳлик амалиётларидан бири — кўз шохларасини кўчириб ўтказиш йўлга қўйилган. Бунинг учун кўз шохпардалари банки ҳам ташкил этилган.

2020 йилда кимё-биология фанларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор тўғайлиб фармацевтика, биотиббиёт, фудомикс каби янги йўналишлар бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилишига шарт берилади. Биотехнологиялар нафақат тиббиёт, балки қишлоқ ҳўжалигининг ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда. Президентимиз Мурожаатномасида ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг АҚШ долларидан камида 5 минг долларга етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди. Бунинг учун қишлоқ ҳўжалиғига энг илғор технологиялар, сув тежайдиган биотехнологиялар, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидағи ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлигини қайд этди. Айнан биотехнологиялар табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, инсоният учун хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришини инобатга олган ҳолда, вазирлик ҳўзурдағи Илғор технологиялар марказининг фудомикс лабораторияси ташкил этилмоқда.

Умуман, бу йил Илғор технологиялар маркази томонидан амалга оширилаётган қатор илмий тадқиқот ишлари ўз самарасини кўрсатади. Марказ олимлари томонидан яратилган коронавирисни аниқловчи тест пандемия даврида хориждан экспорт қилиб олиб келинаётган тестлар микдорини кескин камайтиришга хизмат қилди. Пандемия авжига чиққан даврда олимлар куну тун меҳнат қилиб, ҳафтасига 50 мингтадан тест ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Энди эса худди шу марказ яна бир муҳим тадқиқот — Хитойнинг ZF 2001 рекомбинант вакцинасининг учинчи босқичи синовларини ўтказишда етакчилик қилмоқда.

Келгуси йили барча вилоятларда қишлоқ ҳўжалиғида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида ордан ортиқ агрохизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Бу эса қишлоқ ҳўжалиғи соҳасидағи илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Қашқадарё вилоятида қўённинг маҳаллий шароитга мос келадиған зотларини яратиш, Навоий вилоятида ёмғирлатиб сугориш тизимларини синовдан ўтказиш, хиндистонлик ҳамкорлар билан уруғчилик компаниялари ташкил этилиши натижасида олинган билимлар мана шу марказларни ишга туширишда плацдарм бўлади.

Инновациянинг катта бўғими тадбиркорлардир. Айнан улар илмий ишланмаларни ҳаётга татбиқ этади. Президентимиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга преференциялар берилишига эътибор қаратади. Инновацион ривожланиш вазирлиғи ҳам келгуси йилда инновацион тадбиркорлар ва стартапчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фаолиятини кенгайтиришни режалаштирган. Вазирлик томонидан ташкил этилаётган акселераторлар стартаплар ва илмий ишланмаларни тақомиллаштириш, уларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида келгуси йилда тавадлуқининг 580 йиллиғи нишонланадиган улғу мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Кўёшлик истасанг, касби камол эт”, деган мисрасини бежиз мисол қилиб келтирмади. Бу ерда сўз ўз соҳасининг, ўз касбининг етук намоёндаси даражасига эришиш, ватанпарварлик, фидойилик, бурч ва садоқат каби юксак фазилатлар ҳақида бормоқда. Меҳнатсевар ва фидойи юрдошларимизни, айниқса, ёшларимизни илҳомлантирувчи ушбу ҳикматли сўзлар давлатимиз раҳбари 2021 йилда белгилаб берган вазифаларни тўлалигича адо этишда, халқга хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли бурчини бажаришда барчамизга қанот бахш этади.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК, МАНЗИЛЛАР БИР

ДЎСТ АЧИТИБ ГАПИРАР ёхуд журналист ва блогерлар сизга душман эмас!..



Шерзодхон ҚУДРАТХУҲА,
Журналистика ва оммавий
коммуникациялар
университети ректори,
Халқаро пресс-клуб раиси

Машаққатли кунларимиздаги турли вазиятлар журналист ва блогерларни ҳам синовдан ўтказди. Халқни қийнаётган муаммоларни ошқора айтиб, уларга ечим топишда ўзини масъул деб билган ҳар бир замондошимиз салоҳияти ва имконияти борица ҳаракат қилди. Ана шу жараёнда жамиятимиздаги анча-мунча камчиликлар ва келишмовчиликлар ҳам барҳам топди. Президентимиз ҳар бир чиқишда журналист ва блогерлар (гарчи қўллаб раҳбарларга ёқмас-да) дадиллиги билан қўлатиб чиқаётган масалаларни ҳал этиш жамиятимиз ривожини учун муҳим экани боис, уларни ҳақиқат қўллаб-қувватлашга тайёригини таъкидлайди.

Мурожаатномани тинглаш жараёнида пўртналар ва синови қечган воқеалар ҳаёлимиздан ўтар экан, Президентимизнинг: "Танқидий материаллар жойлардаги

қўллаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчи ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошқоралик ва сўз эркинлиги — бу давр талаби. Бу Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби. Ўтган 4 йил давомида жамиятда очиқлик ва ошқоралик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораётибмиз. Қийин бўляпти, лекин ўрганиётибмиз. Адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишләётган раҳбарлар фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда", деган сўзлари кўнглимни равшан қилиб юборди.

Таъкидлаш ўринлики, сўз эркинлиги соҳасида ўтган қисқа муддат мобайнида эришилган бу ютуқларни шахсан мен игна билан қудуқ қазиб машаққатига тенглаштирмаман. Буларнинг барчасига эса давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли эришдик.

Чиндан ҳам бир қолипга тушиб қолган раҳбарларимиз сўз эркинлиги муҳитига бора-бора кўникиб бораёти. Бугунги кунда жамият кўзгусидаги ҳар бир доғ зийрак ва хушёр журналистлар назарида, блогерларнинг ташвишли нигоҳида жуда тез фурсатларда акс этиши мумкинлигини тушуниб, ҳар бир қадамни ўйлаб босишга ҳаракат қилмоқда. Журналистми у ёки блогерми, ҳаётимиз яхши бўлиши учун жон куйдираётган бир виждонли юрtdошимиз эканини англаб бормоқда.

Жамоатчилик фикри давлатимиз раҳбари учун ҳам қанчалар қимматли эканини кутилмаганда ўз йўналишини ўзгартирган воқеалар силсиласида ҳам кузатиб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларини кенг қўллаб-қувватлаш, уларни химоя қилиш жараёнида жиддий тўсиқлар ва муаммолар кўзга ташланмоқда. Журналист ва блогерларга энг мураккаб вазиятларда ёрдам қилини чўзиши, тиргак бўлиши зарур бўлган ташкилот — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги эса улар кутган маънавий ҳамда моддий қўмакни бера олмапти. Шу боис, давлатимиз раҳбари мазкур агентлик ишини танқидий қайта кўриб чиқиш лозимлигини айтиб ўтди. Энг кўп ҳолатларда газета ва журналлар обунаси, матбуотда ёритилаётган долзарб танқидий таҳлилий мақолаларга бўлган муносабатлар масаласи журналистларимизни боши берк кўчага олиб кираётганини тан олишимиз керак.

Энди бундан бўёғига журналист ўзини кўрсата оладиган минбар газеталар, босма нашрлар аҳолини ўнганлиши зарур. Яна бир нарсадан умид қиламан — қиссий, таҳлилий мақолалари билан жамиятимизда катта ўрин тутиб келган профессионал журналистлар мактабини асраб қолишимиз жуда муҳим. Холис фикрни айта оладиган жасоратли журналистлар сафи ҳам янада кенгайиши керак. Шу маънода, ҳамкасбларимизнинг ҳақиқат жамият олдига юзлари ёруғ, қадамлари дадил, қаламлари эса ўткир бўлаверсин!

Яна бир муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносиб химоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низола ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди. Энди йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низоли ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим олишлари учун зарур шароитлар яратиш йўлида катта имкониятлар яратилмоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган дилбандларимизга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мумкин.

Президентимиз сўнгги тўрт йил ичида болалар қамрови 60 фоизга етган МТТлар сони 14 мингдан

ошганини қайд этди. Мактабгача таълим соҳасида хусусий сектор улушининг оширилиши ёш авлодга бoғча пайтиданоқ сифатли таълим-тарбия бериш, уларни жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайишига замин яратди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бeпул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинди. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

РУҲИЙ ОЗУҚА, МОДДИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ



Гулмат ҲАЙТИМЕТОВ,
Гулран туманидаги "Ҳайтиммат
ота" фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Мурожаатномасини ана шундай атаган бўлардим. Мурожаатномада 2020 йил оғир синовлар билан

келгани, пандемия шароитида ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар туфайли тожикон вирусдан кам талафот билан чиққанимиз, бунда халқимизнинг ўзига хос иродаси намоён бўлгани алоҳида қайд қилинди.

Деҳқон учун ҳеч қачон осон бўлмаган. Аммо бу йил бошқача келди. Табиат инжиқликларига энди пандемия боис эълон қилинган карантиннинг кучайтирилган чора-тадбирлари ҳам қўшилди. Вирус ваҳимаси кезиб юрган, одамга кўпроқ жони кўринган вақтда иш тўғрисида гапириш ортиқча. Аммо деҳқонларимиз бирор кун, бирор лаҳза пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан белгиланган ҳосил кўтариш ниятларидан воз кечгани йўқ. Негаки, айнан деҳқон етиштирган ҳосил халқимизни оғир даврдан омон-эсон олиб чиқишини яхши билардик.

Фермер хўжалигимиз аъзолари ушбу мавсумда 22 гектар майдондан 132 тонна бугдой етиштирди. Бугдойдан бўшаган майдонларнинг бирор қаричи бўш қолгани йўқ. Шунингдек, 52 гектар майдонга уруғ қадаб, 215 тонна пахта хирмони кўтардик. Ҳосилдорлик ҳар гектардан 44 центнерни ташкил қилди. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли. 73 бош қорамол ва яна қўиларимиз ҳам бор. Ер майдонларимизнинг бир қисмига соя, кунгабоқар каби ёғ олинадиган экинлар, шунингдек, картошка, сабзи ва чорва озуқалари ҳам экиб, режадагидан кўпроқ хирмон кўтардик.

Таъкидлашим керакки, пахта жуда қисқа фурсатда йиғиштириб олинди ва хали кузнинг ярми ортда қолмасдан бўлғуси йил ҳосили тадоригини бошладик. Ўзгачадан бўшаган майдонлар шудор қилиниб, шўр ювишга тайёрлаб қўйилди. 22 гектар майдон-

да бугдой экиб, ниҳоллар текис униб чиқишига эришдик. Қиш фасли вақти ва совуқ келаётгани сабаб бугдой ниҳолларини тўлиқ асраб қолиш учун шу кунларда ҳам дала бошидаимиз.

Остонада турган йил барчамиз учун омадли келишига ишончимиз қомил. Ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ва одамлар соғлигини уйлаш келаётган йилнинг асосий мазмунини ташкил қилиши йилга танланган номда акс этган. Ахир ҳаммамиз шу фарзандларимиз, уларнинг бахтли келажагини яратиш ниятида дала кезиб юрибмиз. Президентимиз ўз Мурожаатномасида бу борада барчамизга жуда кучли руҳий озуқа ва моддий мадад берди. Келаётган йилда режалаштирилган ишлар, амалиётга айландирган лойиҳалар буюк келажагимизни яратиш йўлидаги яна бир залворли қадам бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида бу борада барчамизга жуда кучли руҳий озуқа ва моддий мадад берди. Келаётган йилда режалаштирилган ишлар, амалиётга айландирган лойиҳалар буюк келажагимизни яратиш йўлидаги яна бир залворли қадам бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

СУДЬЯЛАР ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ, АДОЛАТ УСТУНИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ



Робакхон МАҲМУДОВА,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисида Мурожаатномаларининг ҳар бирида суд тизимидаги ислохотлар, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва одил судловга эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари бу мавзуда сўз юритганда, адолат давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори эканини, қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти халқ қулуғи ўринини эгаллашини доимо таъкидлайди.

Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Мазкур соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар масалаларини ҳал қилиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Олий судда маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, ҳудудларда маъмурий судлар ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни таъминлаш.

Ўтган қисқа даврда маъмурий судлар ҳаётий зарурат сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли эканини исботлади. Биргина 2019-2020 йиллар давомида маъмурий судлар томонидан 29,6 мингдан зиёд иш кўрилиб, улардан қариб 20,2 минггаси ёки ҳар учтадан иккитаси қаноатлантирилган.

Жумладан, ҳокимларнинг 2,6 мингга яқин қарори ноқонуний деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Юқорида қайд этилган-

лардан кўринадики, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини таъминлашда маъмурий судлар муҳим ўрин тутмоқда.

Жорий йилда Президентимиз томонидан судлар фаолиятини рақамлаштириш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигига, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Қонунчилигимизда эскидан қолган "ишни қўшимча тергов" га қайтарилган институтни тугатилди. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтини буткул бекор қилиниб, суд томонидан иш бўйича барча ҳолатлар ва далилларга ҳолисона баҳо берилишига замин яратилди. Натижада оқлов ҳукмлари кўпайди. Хусусан, ўтган тўрт йилда 2 минг 750 дан ортиқ оқлов ҳукми чиқарилган.

2020 йилнинг ўзида 763 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 1 минг 610 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар натижасида бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тузаллиш йўлида катъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида жорий йилнинг 29 декабрдаги навбатдаги Мурожаатномасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли химоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар 2021 йилда изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Бу ҳақда фикр юритганда, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фар-

мони суд-ҳуқуқ ислохотларининг қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини таъминлашда маъмурий судлар муҳим ўрин тутмоқда.

Жорий йилда инсон ҳуқуқлари тўла-тўқис таъминланиши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институтини тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида бешта қонун лойиҳалари тайёрланди. Улар парламентнинг қўйи палатаси томонидан қабул қилиниб, яқинда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Ҳозирги кунгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида кўриб чиқилар эди. Биргина 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан "бир суд — бир инстанция" тамойилининг илгари сурилиши суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўлланиб қолган муаммоларнинг ҳал қилинишида айни муддао бўлди. Таъбир жоиз бўлса, бу тамойил ушбу тизимни тўлдан кўриб чиқишга асос солди. Тебдан йилдан бир-бирини тақдорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилади.

Яъни, биринчи инстанция — туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари, апелляция инстанцияси — вилоят даражасидаги судлар, кассация инстанцияси — Олий суддан иборат бўлади.

Натижада судларда ишларнинг якуний ечим топмасдан, қайта-қайта кўрилишига, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари-га, айниқса, уларнинг йиллар давомида овора ва сарсон бўлиб, судма-суд юришига барҳам берилади.

"Бир суд — бир инстанция" тамойилининг илгари сурилиши фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд оидораларига нисбатан ишончи оширилади, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эндиликда янги йилдан, вилоятларда жиноят, фуқаролик, иқтисодий судлар асосида ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилмоқда. Бу ўринда вилоят даражасидаги 3 та суд битта суд сифатида бирлаштирилиши хусусида гап бормоқда.

Ушбу янгилик албатта, аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган, одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибиде кўриш амалиёти бекор қилинади.

Келгуси йилдан суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бундан ишнинг тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади.

Яна бир муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносиб химоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низола ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди. Энди йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низоли ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд бeносига келиб юрмасдан, онлайн тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларининг кўриб чиқилиши жараёнини масофадан туриб, кузатиб бориши мумкин бўлади.

Соҳадаги барча ислохотларнинг асосий мақсади — жамиятда адолат, қонун, одил судловни таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишдир. Бугунги кунда бу борада судьялар ва суд ходимлари олдида катта ва ўта масъулиятли вазифалар қўйилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг тоғмас химоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

"Янги Ўзбекистон" учун махсус

Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида аёллар, таълим ва ёш авлодга камол топтириш масалаларига алоҳида урғу берилгани эътирофга лойиқ

Бошланиши 1-бетда



Зураб АБДУШЕЛИШВИЛИ,
Грузия элчиси:

— Фурсатдан фойдаланиб, барчани кириб келаётган Янги йил билан табриклайман.

Мен бундай юксак тадбирда иккинчи маротаба қатнашдим. Президент Шавкат Мирзиёев йил сайин Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнини суръати кундан-кунга ошаётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Президенти, ҳукумати, парламенти ва бутун жамият биргаликда мамлакат ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришади, деб ҳисоблайман.

ҳақидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик.

Менинг Ўзбекистонга муносабатим ўзгача, унинг ютуқларига мухлислик қиламан. Улкан салоҳиятга эга мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг суръати кундан-кунга ошаётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Президенти, ҳукумати, парламенти ва бутун жамият биргаликда мамлакат ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришади, деб ҳисоблайман.



Фредерик СТАРР,
Америка ташқи сиёсати
кенгаши ҳузуридаги
Марказий Осиё ва Кавказ
институтини раиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшнчилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик бўйича чақирғи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Унинг стратегик шериклик концепцияси, фикримча, бутун минтақада суверенитет, ўзини ўзи бошқариш ва тараққиётни ривожлантиришнинг муҳим воситасидир. Бундай муносабатлар барча учун манфаатли ва ҳеч кимга қарши йўналтирилмаган.

Президент ушбу тамойилларни амалда қўллаган ҳолда, Марказий Осиё халқаро институтини ташкил этмоқда. Бундай орган минтақанинг дошмандлигига таяниб, ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш ва институционализиация қилиш бўйича амалий чора-тадбирларни илгари суриши мумкинлигини тахмин қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон Президенти узоқни кўзлаб, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида Афғонистон орқали тўғридан-тўғри ва арзон транспорт

коридорларини барпо этиш бўйича жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган. Бу нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини рағбатлантиришнинг истиқболли лойиҳаси, балки Афғонистонда тинчлик ва тараққиётни таъминловчи омил ҳисобланади.

Президенти тақлифларини изчиллик билан амалга ошириш Марказий Осиёнинг кўп асрлик денгизга чиқиш йўли билан боғлиқ масалаларга ечим толади. Шунингдек, Ўзбекистон ва унинг Марказий Осиёдаги қўшнларига ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ жараёنлари туташган муҳим марказлардан бирига айланиш имкониятини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”



Бу йил республикада 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот” да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суьултирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.



Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш имтиёз ва энгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.



Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 ғоғонага кўтарилиб, 44-ўринини эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзига 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. “Меҳр-3” операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.



Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.



Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.



Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган “IT-Парклар” да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.



“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”



Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёралининг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” жорий этилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.



Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Олий ўқув юртлигига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказилади. Аъло баҳоларга ўқиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қўйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлигига тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.



Тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади



2021 йил учун яна бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Бу ишлар учун 2021 йил давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилади.



Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та “оилавий шифокор” пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.



Бундан ташқари, “қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Ўткир бўйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинади ва шу мақсадлар учун бюджетдан 140 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади. Бунинг учун 2021 йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Келгуси йилда 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиедалар ва велосипед йўлакларини барпо этилади.

Аҳолини оммавий спорт турларида кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Янгиланаётган Ўзбекистон



ХАЛҚИМИЗ МАТОНАТИ, ЁШЛАРИМИЗ ШИЖОАТИ – МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА АСОСИЙ КУЧ



Салим ДОНИЁРОВ

Ҳар куннинг ўз ҳикмати, қадри ва нуқси бор. Ҳар тонгни яхши ният, эзгу мақсад билан бошлаймиз. Кун сайин улғайиб борамиз. Шу зайл ўз-ўзимизга ҳисобдорлигимиз ортаверадим, оила, ватан олдидаги бурчимизни сезинамиз. Эришган ютуқларимиздан руҳланиб, ҳаттолардан ҳулоса чиқариб яшаймиз. Инсоният учун синовли келган 2020 йил якунида ҳаёлимиздан шундай ўйлар кечар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида матонатли халқимиз эришган ютуқлар бир-бир қўз олдимиздан ўта бошлайди. Бу ҳақда сўз борганида, аввало, юртдошларимиз давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини интиқ кутишини айтиш ўринли. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар биримиз йиллик фаолиятимизни, режаларимизни, ҳаёт тарзимизни шу Мурожаатнома асосида белгилаб оламиз.

Куни кеча Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномаси тақдим этилди. Унда 2020 йилда бажаришга ишлар тахлил қилиниб, 2021 йил учун устувор вазифалар белгиланди. Поёнига етаётган йиллигимиз аввалида ҳам анъанави айланган Мурожаатнома йўланган эди. 2020 йил қанчалик синовли, оғир келган бўлмасин, ютуқларимиз кўпчилиги барчамизни қувонтиради, албатта.

ИПНИ ИПГА ҚЎШСАНГ, АРҚОН БЎЛАР

Давлатимиз раҳбари 2020 йил бошида Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Халқимиз шунинг яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак,

ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, деган эди. Бугун ўзимиз ҳам, дунё халқлари ҳам Ўзбекистондаги хайрли ўзгаришлар гувоҳи бўлиб турибмиз. Гапни қайси соҳадан бошламайлик, барча жабҳада халқчил тизим яратилгани барчамизга кундек равшан.

Айрим мисолларни санаб ўтсак. Мамлакатимизда валюта бозори эркинлашганига 3 йилдан ошди. Ўзбекистонда валютани эркин айирбошлаш йўлга қўйилди, деган хабар тарқалганида кўпчилик ишонсизлик билдиргани ҳам бор гап. Чунки узоқ йиллар юртимизда валюта сиёсати либераллашмаган, аҳоли “қорабозордан бозор қилиш”га ўрганган, бошқа иложи ҳам йўқ эди. Банклар долларни арзон сотиб олар, фуқароларга деярли сотмасди. Бугун эса иқтисодиётимизни, умуман, ҳаётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини камайтиришга киришдик.

Яна бир иқтисодий ислохот борки, у халқимиз ҳаётига “тоза ҳаво” олиб кирди. Тўрт йил олдин банк пластик карточкамизга тушган пулни нақдлаштириш учун сарсон юрганларимиз эсингиздами?! Пластикда пул бўлса-ю бозор қилолмасангиз, транспортда юролмасангиз, ошхоналарда овуқатланишга қимтиниб турсангиз... Шу кунлар ҳам ортда қолди. Ҳозир вазият қандай эканини изоҳлаш ортиқча, бу борада барча муаммолар ечилди.

Гапни ўтаётган йиллигимиз сарҳисоби ҳақида бошлаб, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгараётгани ҳақидаги ўзган бурдик. Аслида мамлакатимизда ҳаёт манзаралари йилдан-йил яшнаб бормоқда. Бу ҳақда узоқ ва мароқ билан гапирishi мумкин. Шу боис, биргина Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида эришган ютуқларимиз, синовли кунларимиз ҳикмати ҳақида ўртоқлашсак.

Фарзандларимиз, ёшларимиз — буюк келажагимиз, дейишни қанда қилмадик, лекин уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, маънавий камолга беэътибор бўлди. Боғчалар қурилмади, мактаб таълимимга бепишанд қарадик, ўқитувчи-мураббийларни “зўр бериб” хурматсизлантирдик, кўча супуришгача мажбурладик. Шу тариха келажагимизни, мамлакатимизни жар ёқасига судраб кетаётганимизни, минг афсуски, билмадик ёки қўз юмдик.

Бу кунлар ҳам тарихга айланди. Президентимиз 2020 йил бошидаги Мурожаатномасида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини 60 фоизга етказиш вазифасини қўйган эди. Шунга эришдик, яъни бу кўрсаткич ўтган 4 йилда 2 баробар ортиб, мўлжалдаги фоизга етди. Нафақат етди, балки боғчалар, умуман, таълим-тарбия муассасалари сони ва сифати ошди, фаолияти тубдан ўзгарди. Жамиятда ўқитувчи нуфузи тикланди. Бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари аввал бошданоқ иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларни белгилаб берган эди. 2020 йилда эса макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш бу ислохотларнинг бош мезонига айланди. Албатта, ютуқларимиз кўп бўлди. Улар ҳақида гапиршидан олдин эса ҳамон дунёни ларзага солиб турган коронавирус пандемияси билан боғлиқ манзараларга тўхталиш ўринли.

Инсоният ғоят синовли йилни яшаб ўтди. Коронавирус энг ривожланган, қудратли давлатларни ҳам шошириб қўйгани айни ҳақиқат. Миллионлаб одамлар бу касалликни юқтириб олди, минг-минглаб кишилар ҳалок бўлди, иқтисодиётга жиддий зарар етди, ишсизлар сони кескин ошди.

Мамлакатимизга коронавирус инфекцияси кириб келган дастлабки кунларни яхши эслаймиз. Юртдошларимиз тахликага тушиб, ваҳимага берилиш ҳолатлари кузатилди. Озиқ-овқат нархи кескин ошармиш, тақчиллик бўлармиш қабилидаги асоссиз миш-мишлар урчиди. Бундай вазиятда оқилноа, узоқни кўзлаб, энг мақбул қарор қабул қилиш фуқаролар тақдирини, мамлакат келажагини белгилаши аниқ эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай истиқболли йўлни танлади. До-нишманд халқимиз ҳам оғир кунларда бирлашди, ҳамжиҳатлигини, меҳри-қо-риб, саховатли эканини намоён этди.

Албатта, ҳеч кимга осон бўлмади, лекин санокли давлатлар қаторида бу синовларни энгилб ўтаётганимиз бизга куч-қувват бағишляпти. Таъкидлаш



жоизки, шундай оғир кунларда ҳам давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик сиёсати тўғрисида хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошимиз юртга олиб келинди. Чет элда қийин ахволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди. “Меҳр-3” инсонпарварлик операцияси доирасида Сурия давлатидан 98 юртдошимиз, асосан, аёллар ва болалар Ванга қайтарилди. Бу ҳамюртларимиз бугун Ўзбекистондек тафти давлат ҳимоясида, шу юртнинг фуқароси бўлганидан фахрланиб яшаётган бўлса, не ажаб.

2020 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг сарҳисобига қайтсак, пандемия аввалида бошланган хавотирлар асоссиз эканига яна ишонамиз.

Аввало, еврооблигациялар ҳақида. Экспертлар мамлакатимизнинг халқроқ молия бозорларига чиқishi имкониятлари тобора яхшиланиб бораётгани ҳақида айтмоқда. Бунда еврооблигациялар муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз топшириғи асосида биринчи марта Ўзбекистон ҳукумати 1 миллиард долларга тенг қийматли суверен еврооблигацияларни 2019 йил февралда Лондон фонд биржасига жойлаштирган эди. 2020 йил 20 ноябрь куни эса иккинчи марта 10 йиллик муддат билан 555 миллион АҚШ доллари ва 3 йиллик муддатга 2 триллион сўмлик еврооблигациялар муомаллага киритилди. Бу билан Ўзбекистон қимматли қоғозлар ва қоғоз пул чиқарishi ҳуқуқига эга бўлган

давлат сифатида дунёга очилди, инвестицион лойиҳаларни молиялаш, барқарор иқтисодий сиёсат юритиш учун замин яратилди.

Оғир пандемия шароити бўлишига қарамай, 2020 йилда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар, инфратузилма объектлари барпо этилди. Яқинда иш бошлаган Тошкент металлургия заводининг ўзида 700 га яқин юртдошимиз меҳнат қилади. Турдош тармоқлар билан ҳисоблаганда эса 5 мингга яқин иш ўрни ташкил этилиши мумкин. Бу заводда йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарishi ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежаллади.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси, ер усти метроси фойдаланишга топширилиши ҳам иқтисодий барқарорлигимиз тимсоли бўлди. Бу нафақат ҳамюртларимиз, балки чет элликларда ҳам ҳавас уйғотди. Пандемия шароити бўлишига қарамадан юртимизда амалга оширилган бу каби курилди, бунёдкорлик ишлари 2020 йилдаги қудратимиз рамзи бўлиб қолиши шубҳасиз.

ЯНГИ ҲАЁТ — ЯНГИ ОРЗУЛАР САРИ ЙЎЛ

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, яратган ҳам рози бўлади, деган эди



Президентимиз 2020 йил учун тақдим этган Мурожаатномасида.

Мустақил ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистонда аҳоли учун бугунгидек арзон ва сифатли кўп қаватли уйлар қурилмагани гувоҳи бўлиб келдик. Аслида муқим бошпанасиз, ижарама-ижара сарсон, мудом хавотирда яшашнинг нақадар оғир эканини кейинги тўрт йилда қурилган файзли уйларда яшаётган юртдошларимиздан сўраш керак.

Бугун минглаб ана шундай оилалар “кичик ватани” бўлди. Уларнинг қалби ёришди, губорлар кетди. Юрт учун, тараққиётимиз учун ёниб меҳнат қилмоқда, хавотирсиз яшамоқда.

Фуқаролик бериш тизимидаги ислохотларни ҳам эслайлик. Президентимиз 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, хусусан, мамлакатимизда узоқ вақтдан буён яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий макомига эга бўла олмаётган юртдошларимизнинг бу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 октябрдаги “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам бу масалага эътибор қаратилганлиги.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилга қадар 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга фуқаролик берилган бўлса, 2016 йил декабрь ойидан буён Президентимизнинг тегишли фармонлари билан 16 мингдан ортиқ юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди.

1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга 2020 йилдан Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан юртимизда яшаб келаётган 50 минг нафардан ортиқ юртдошларимизга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Президентимиз 2021 йил учун тақдим этган Мурожаатномасида бу борадаги ишларни давом эттириш вазифасини қўйди. Эндиликда 2005 йилгача мамлакатимизга кириб келиб, доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш таклифи билдирилди. Бу ўзгариш билан 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш шарафига муяссар бўлади. Шунингдек, бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий этилади.

Бу ислохотлар, биринчидан, Ўзбекистон баргикенглик тамойили асосида ривожланаётгани далили бўлса, иккинчидан, ва энг муҳими, неча-неча йиллардан буён юртимизда фуқаролик олиш орузси билан яшаб келаётган минглаб шахсларнинг янги ҳаётга умидини шуълалантиради. Қолаверса, узоқ йиллардан буён ватанимизда яшаб, фуқаролик ололмаган юртдошларимизнинг асосан Марказий Осиё давлатларидан келганини ҳисобга олсак, қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Президентимиз шунга уйқаш яна бир баргикенглик, инсонпарварлик тамойилини бошлаб берди. Бу — билиб-билмай жиноят йўлига кирган фуқароларни афв этди. Кечиримлилик намунасининг мамлакатимиздаги янги қўрилиши ҳар бир шахс билан алоҳида ишлаш механизми жорий этилаётганидан далолат. Бу орқали вақтида адашиб, кейинчалик тузалиш йўлига ўтган, лекин жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган кўпчилик фуқаролар, айниқса, аёллар ва ёшлар яна соғлом ҳаётга қайтмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг ўзида 616 нафар фуқаро афв этилди. Улар ўз ҳолига ташлаб қўйилмапти. Ҳар бири маҳалла, ички кўчалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари эътиборида бўлиб, ишга жойлаштириш, ҳаётга мослашиши назоратта олинган.

ЁШЛИК ЗАВҚИ, САЛОМАТЛИК ҚУВВАТИ БИЛАН...

Давлатимиз раҳбари аввалги Мурожаатномаларида ҳам, ҳудудларга ташрифлари, аҳоли билан учрашувлари чоғида ҳам, йиғилишларда ҳам доим тилга оладиган, қўюнқадрик билан тарғиб этадиган масала — бу, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг соғлом камолоти, аҳолининг соғлиғини сақлаш муаммолари бўлиб келади.

Мамлакатимизда 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу олий мақсадлар ҳикмати муҳассам. 2020 йилда бу жабҳада мутлақо янги тизимлар иш бошлади. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери” тизими жорий этилди. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратамиз. Бу орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Боғчалар сони 14 мингдан ошди, янги мактаблар қурилди, янги олий ўқув юртлари очилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида квота асосида қабул қилинди. Жойларда Президент ва ижод мактаблари фаолият бошлади. Уларда

тахсил олаётган иқтидорли йигит-қизларимиз бугун дунёга ўз сўзини айтмоқда.

Президентимизнинг яқинда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ҳам бу жиҳатлар алоҳида тилга олинди.

Ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиғи, бебаҳо ҳазинаси сифатида юксак қадрлашини айтиб ўтди. Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов, Темир Сулаймонов, Намангандаги мактабдан Мирношхон Иномжонов ва Азимжон Алижонов ҳамда бошқа кўпчилик ўқувчилар муваффақиятларини эътироф этиб, уларнинг устозлари ва ота-онасига миннатдорлик билдиргани ҳам тенгдошларига фахр бағишлади.

Айтиш жоизки, айни форумда Президентимизнинг йигит-қизларимизга ишончи, уларни қўллаб-қувватлаш борасида билдирган фикрлари Ўзбекистон ёшлари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Бу барчамизда “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...” деган ҳавас уйғотди.

Пандемия сабоқлари асосида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича ҳам самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг учун катта миқдорда бюджет ва ҳомийлик маблағлари жалб этилди. Қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш тизими ислохотлари қўр олган. Тиббиёт ҳодимларини рағбатлантиришнинг янги механизми жорий этилди ва янада такомиллашмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги нуфузи ҳам юксалиб бормоқда. 2020 йилда Президентимиз илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслар хорижий давлатлар раҳбарлари, халқроқ ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбек тилида нутқ сўзлагани бутун дунё ўзбеклари учун ҳам фахрли ҳодиса сифатида тарихга муҳрланди.

Бу сессияда давлатимиз раҳбари ёшлар, хотин-қизлар масалаларига доир таклифларни илгари сурди. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни ўрнатиш, пандемия шароитида дунё мамлакатлари билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, глобал қўлимиз ўзгаришлари, камбағалликка қарши курашиш каби йўналишларда қатор таклиф ва ташаббусларни билдирди. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин маъқулланди.

Маълумки, Ўзбекистон 2020 йилда МДҲга раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олди. Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон етакчиси томонидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш борасида илгари сурилган қатор таклифларга иштирокчи Президентлар илиқ фикрлар билдирди.

Янги йил оstonасида турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида бу йилда ҳам катта марраларни қўзлаганмиз. Бу ёшлар сиёсати, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий йўналишдаги ишларни давом эттириш, маҳалла, суд-хукук, мудоффа тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, коррупцияга барҳам бериш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Энг асосийси, пандемия шароитида барча йўналишда қандай ишлаш кераклиги бўйича яхши тажрибага эга бўлди. Бугёига Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни аҳиллик, ҳамжиҳатликда, мақсадимиздан ҳеч оғишмай кўтаринки руҳда бажарсак кифёя.





Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Нихоялаб бораётган йил инсоният учун ҳақиқий синов даври бўлди. Анча вақтдан буён олға қадам босиб келаётган башарият қайдадир сустлашди, қайдадир тўхтади, қайдадир ортга ҳам қараб кетди. Коронавирус айримларга яқинини йўқотиш мусибатини келтирган бўлса, бутун дунёга ҳисоб-китобини ҳали-бери адо қилиб бўлмайдиган ташвиш ва зарар олиб келди. Карантин чоралари туризм, саноатнинг қатор тармоқлари, кўнгилочар масканлар бизнеси каби кўплаб соҳаларни кескин оқсатди. Коронавирус таъсирида факат иқтисодиёт эмас, ижтимоий соҳада ҳам муаммолар юзата келди. Ҳаттоки, энг ривожланган давлатларнинг ҳам бундай офатга тайёр эмаслиги яққол кўриниб қолди.

Шукри, Ўзбекистонда ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, қабул қилинган муҳим қарорлар туфайли касалликнинг тарқалиш суръати хорижий мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан паст бўлди, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мустақамлиги сақлаб қолинди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда деб билгин”, деган чўқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда”. Ўзбекистонда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш учун пандемия туфайли карантин чоралари жорий қилинди. Айни пайтда карантин сабабли иқтисодиёт сусайиши ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллик оқсашининг олди олинди. Энг ёрқин мисолларни келтирадиган бўлсак, шифо масканлари ва бошқа муассасаларда зудлик билан шакллантирилган карантин зоналари қасалланганларни тезкор даволаш, юқори савияда ташкил қилинган онлайн дарслар барча бўғиндаги таълимни изчил давом эттириш имконини берди. Карантин шароитида одамларнинг турмуш даражаси тушиб кетмаслиги учун ишбилармонларга имтиёзлар белгиланди, солиқ ва бошқа тўловларга преференциялар жорий этилди, кўплаб муҳим қарор ва чоралар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази пандемиянинг дастлабки даврида юртимиздаги барча муассасалар қатори карантин шароитида фаолият кўрсатганига қарамай, замонавий технологиялардан кенг фой-

даланган ҳолда янги муҳитга имкон қадар тез мослашиш чораларини кўрди. Натижада жорий йилнинг март ойидан кейинги даврда ҳам марказда илмий фаолият ва хорижий алоқалар тўхтаб қолмади. Мўлжалланган барча ишлар онлайн амалга оширилди.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 январдаги ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида марказда буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Қиёс учун умумий кўрсаткичлар ва пандемия давридаги тадбирларни келтириб ўтиш ўринли бўлади. Хусусан, халқаро ҳамкорлик йўналишини олади-ган бўлсак, шу чоққача марказда етти халқаро конференция ва ўн тўрта онлайн семинар ташкил этилди.

Видеоконференция шаклидаги ана шундай анжуманларнинг бевоисита пандемия даврида ўтказилганига эътибор қаратайлик. Анкара Йилдирим Боязид университети билан “Ҳадисларнинг ёзма манбалари: Имом Бухорийнинг устози Ҳумайд ибн Занжунийнинг “Китоб ут-тарғиб” асари мисолида”, Анкара ижтимоий фанлар университети билан “Имом Мотуридийга кўра таъвхд тушуначси: “Мовароуннахр (Хуросон)да ботинийлик”, Карабук университети билан “Ҳанафий маъзабининг Мовароуннахрга кириб келиши”, Қозғистондаги Аҳмад Ясавий номидаги халқаро университет билан “Аҳмад Ясавийнинг фалсафий қарашлари”, Туркиянинг Илмни

кўллаб-қувватлаш ассоциацияси, Усмонли илмлар академияси билан бир-галиқда “Мовароуннахрда илмий ҳаёт”, Мармара университети билан “Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг манбалари”, Малайзия ислом цивилизацияси институти билан “Ўрта асрларда исломда таълим тизими”, ал-Азхарнинг Ислом тадқиқотлари мажмуаси билан “Мовароуннахрдан етишиб чиққан алломаларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуларида онлайн семинарлар ташкил қилинди.


Айни пайтда тадқиқотчи ва олимларнинг илмий алоқаларини кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари билан Туркиянинг Мармара университети, Малайзия исломни англаш институти, Туркиянинг ислом тафақури институти вакиллари ўртасида онлайн мулоқотлар ўтказилди.

Хориждаги таниқли илм одамлари билан алоҳида учрашувлар уюштириш ўзаро тажриба алмашиш, илмий салоҳиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Шунинг билан бир қатор долзарб вазифаларни белгилаб бергани билан соҳа вакилларига катта қувонч улашди. Қарорга кўра, 2022 йилдан эътиборан аъъанъвий тарзда ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказилиши режалаштирилган “Лазги” халқаро рақс фестивали юртимизнинг яна кўплаб ёш истеъодларини кашф қиладиган самарали ижодий жараёнга айланади.

Маълумки, юртимизнинг ҳеч қайси байрамни жозибали, жушун ва нафосатли рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўнглига яқин қўшиқлар жаран сочиши билан дилмиизда кечаётган туйғуларга Ҳамоҳанг тарзда аста дам ташлаб қикиб келган рақс устасининг бутун бир ижрога композицион уйғунлик билан қўшиқни ифодалаб бериши, унга ошуфта томошабиннинг ҳайрати ва олқишига сазовор бўлади. Аслида нафис санъатнинг мақсади ҳам шу, инсонга ҳушқайфият улаштиш, унинг руҳиятини ижод оламнинг ҳайратларига чулғашдир.

Хоразм “Лазги”сининг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу аслида ўзбек миллий рақс санъатининг нақадар қадимий, нақадар ноёб қадрият ва йўналиш эканлигининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи ҳамда далилидир.

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси миллий рақс ва хореография санъати фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш борасида доимий равишда иш олиб боради. 2020 йилда мазкур йўналишда жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, турли саналар муносабати билан ташкилланган нуфузли давлат тадбирларида рақс жамоалари ҳам фаол иштирок этиб, мазкур байрамларга ўзгача шукҳу бағишлашгани ҳеч кимга сир эмас. Март ойининг биринчи ўн кунлигида эса аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойтахти-



Ҳамин йўлдошев олган суратлар.

илмлари бўйича таниқли олим, мотуридийшунос, Туркиянинг Фотиҳ Султон Меҳмет университети доктори Аҳмад Даманқурй иштирокида илмий семинар ташкил этилди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази юртимизда ва хорижда бўлаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб, айрим форум қатнашчилари билан алоҳида тадбирлар ўтказишга аъъанъага айлан-тирмоқда. Жумладан, 3-4 март кунлари Самарқандда ўтказилган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридиз таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференция доирасида таниқли мотуридийшунос олим, “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг турк тилига таржimoni, Мармара университети профессори Юсуф Шавкий Явуз билан Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари таржимаси ва таҳрири бўйича ўзаро тажриба алмашиш мақса-дида илмий семинар ташкил қилинди.

Буюк Британияда ўтган халқаро иж-

тимоий фанлар фестивали доирасида Лестер университети билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш, ислом динининг инсонпарварлик тамойилларини очиб бе-риш мақсадида “Саҳиҳ ул-Бухорий” асари асосида “Бухорий: ислом санъати халқаро онлайн кўргазмаси” ташкил қилинди.

Марказ ҳодимлари Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Озарбайжон илоҳиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган “Диний баркикенглик давлат ва Ҳамаият ривожланишининг муҳим омил” мавзусидаги онлайн видео-конференцияда иштирок этди.

Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси ташаббуси билан Малайзиянинг Исломни англаш институти ҳамкорлигида ўтказилган диний-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқот масала-ларига бағишланган онлайн мулоқотда қатнашди. Яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу тадбир якунида Малай-

зиянинг Исломни англаш институти билан ўзаро ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятига хорижда қизиқ-қот ортаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, Туркиянинг Мармара университети билан ўтказилган “Саҳиҳ ул-Бухорийнинг Туркия фондларида сақланаётган нусхалари ва бухорийхонлик” мавзусидаги семинар Мисрдаги “Ал-хавар ул-явм” ахборот сайтида “Имом Бухорий таваллуди муносабати билан Ўзбекистонда онлайн-семинар бўлиб ўтди” сарлавҳаси билан ёритилди.

Шунингдек, Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг Булғор ислом академияси билан алоқаларимиз ҳам фаоллашмоқда. Икки муассаса илм ахлининг мулоқоти натижасида ушбу академиянинг магистр ва докторантлари учун “Марказий Осиёда ислом таълимоти” мавзусида қатор илмий маърузаларни ўзида мужассам этган беш кўнлик ўқув курслари уюштирилди. Якунда Булғор ислом академияси ректори Донйёр Абдурахмонов Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоасига миннатдорлик билдиргани курсларнинг юқори савияда ташкил этилганидан ёрқин далолат бўлди.

Марказнинг нашр ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Халқаро муносабатлар йўналишида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCICA) ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбекистондаги кўлэзма фондлар: муҳофаза қилиш, каталоглаштириш ва мутахассислар малакасини ошириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий ўқув-семинари мақолалари яхлит тўплам ҳолида нашр этилганини қайд қилиш жоиз.

Вақт ўтиши билан марказ меҳмонларининг сафи кенгайиб бормоқда. Хусусан, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Русланбек Казакбаев, Испания пойтахти Мадриднинг Ислом маданияти маркази директори ўринбосари Ҳуссам Сиддиқ Ҳўжа шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, марказ халқимизнинг “Интилганга толе ёр”, деган доно нақлига амал қилган ҳолда пандемия шароитига имкон қадар тез мослашиб, ўз илмий фаолияти ва халқаро ҳамкорлигини сусайтирмаслик йўлидан бормоқда.

ТАҲРИРИЯТ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, жорий йил бошида “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида белгиланган чора-тадбирларнинг амалий натижалари ва самараларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш мақсадида “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ” танлови ташкил этилган эди.

Йил давомида танловга Давлат дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича белгилаб берилган вазифалар, чора-тадбирлар натижадорлиги чўқур таҳлил этилган, ҳолис ва тезкор ёритилган юздан зиёд материаллар келиб тушди.

Таъкидлаш лозимки, танловга юборилган материалларда давлат ва Ҳамаият қўрилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида белгилаб берилган ишларнинг амалий натижалари; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида йил давомида амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги; иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар; ижтимоий ривожланиш соҳасидаги қилинган ишларнинг натижалари кенг таҳлил этилганлиги газетхонлар томонидан эътирофига сазовор бўлди.

Танлов ҳайъати ҳулосасига кўра, 1-ўрин Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуровга насиб этди. 2 та 2-ўринга академик Наим Каримов ва Мактабгача таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Елена Тен сазовор бўлган бўлса, 3 та 3-ўринни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Зулфия Мўминова, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори Назокат Касимова ҳамда журналист Шоҳсултон Тўхтаматовлар қўлга киритди.

Танлов ғолиблари таҳририятнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Сарҳисоб



Музаффар САЙФУЛЛАЕВ,
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси
директорининг ташкилий масалалар
бўйича биринчи ўринбосари

Маълумки, бугун юртимизда санъат ва маданият соҳасида моддий ҳамда номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни илмий-амалий тадқиқ этиш, бой миллий қўриқлар, урф-одат ва аъъаналаримизни ўрганиш, уларни келгуси авлодларга етказиш, дунё халқлари орасида кенг тарғиб қилиш борасида жуда катта ислохотлар, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқунланаётган йилда ҳам пандемия одати турмуш тарзимизга бир қатор чекловларни олиб кирганига қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилингани санъат соҳаси вакиллари, ижод ахли томонидан жуда катта хурсандчилик ва таассуротлар билан қарши олинди.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг Ҳамаият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маданият ва санъат соҳасининг барча йўналишларини тўлиқ қамраб олганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар эса бугунги кунда соҳа вакиллари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

НАФИС САНЪАТНИНГ НАФИС ҲАЙРАТЛАРИ



миздаги Амалий санъат музейи биносига Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамблининг тарихи ва ижодига бағишланган фотоқўргазма ташкилланширилди. Мазкур кўргазма доирасида наамтирда узоқ йиллар меҳнат қилган созандалар ва раққосалар билан ижодий даврда суҳбат ўтказилди. Бу халқаро миқёсда эътирофларга сазовор бўлган тарихий рақс ансамбли фаолиятини келажак авлодларга етказиш йўлидаги яна бир амалий иш сифатида аҳамиятга молик бўлди.

Афсуски, жорий йил март ойининг иккинчи ярмида эълон қилинган карантин туфайли турли концерт, оммавий тадбирларнинг чекланиши рақс соҳасидаги режаларни ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Шунга қарамай, теъда бу йўналишдаги ишларимизнинг онлайн тарзда давом этиши учун режалар тузилиб, ишлар масофавий тарзда йўлга қўйилди. Жумладан, рақс санъати усталари томонидан талабалар ва мазкур йўналишга қизиқувчилар учун онлайн маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Ҳар йили апрель ойида “Халқаро рақс кун”и муносабати билан бўлиб ўтадиган тадбирлар ҳам бу йил пандемия шароитида масофавий тарзда ўтказилди ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган барча рақс ансамблилари уларда ўзларининг ижод намуналарини виртуал тарзда кенг оммага намойиш қилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, рақс санъатини халқаро миқёсда тарғиб қилиш ишлари ҳам онлайн тарзда давом этди. Мисол учун август ойида Бразилиянинг ABrasOFFA Ҳамаияти томонидан онлайн тарзда ташкил этилган “Бразилия халқаро

фольклор фестивали” ўтказилди. Ушбу фестивалда Ўзбекистондан “Тошкент зеболари” рақс ансамбли ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Намозовнинг иштироки таъминланди ва мазкур ижодий гуҳу дунёнинг йигирмага яқин давлатлари ижодий жамоалари иштирок этган фестивалда муносиб эътироф этилди.

Сентябрь ойида эса ўзбек рақс маданиятини тарғиб қилиш доирасида “XXI аср — Халқ рақси — Бухоро жиллолари” номли халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Дунёнинг 30 дан ортиқ давлат вакиллари ўз маърузалари билан иштирок этган мазкур илмий-амалий анжуман орқали ўзбек рақсининг тарихи, ижро услуби, йўналишлари, хусусан, бухороча рақсларнинг ўзига хослиги ҳақида маълумотлар берилди. Иштирокчиларга катта таассуротлар улашган мазкур анжумандаги маърузалар асосида яхлит бир тўплам тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бутун дунёга ўз таъсирини ўтказган пандемия шароитида ҳам юртимизда инсонлар саломатлигини асраш ва шу билан бирга, одатий турмуш тарзига қайтиш ҳамда тараққиёт сари дадил қадам ташлаш учун аниқ ислохотлар, юксак саяё-ҳаракатлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Бугун “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” шiori ва ғояси асосида амалга оширилаётган ана шундай ислохотларда маданият ва санъат соҳасини янада ёрқинроқ намоеён қилиш, миллий рақс санъатини ривожлантириш борасида ҳам катта режаларимиз бор. Уларни самарали тарзда амалга ошириш эса юксак натижаларга эришишимиз қалолатидир.

Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюрак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим. Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо етамиз.

Қонун устуворлиги

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ЁШЛАРНИ БАЛАНД МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ



Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори вазифасини бажарувчи, юридик фанлар доктори

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллигига бағишлангани байрам табригида юртимизда сўнгги тўрт йил мобайнида кенг қўламли, шиддатли демократик ислохотлар бошланганини эътироф этди. Айниқса, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқарashi бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртодошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беришини таъкидлади. Шунингдек, ҳали давлатимиз ва жамиятимиз олдида улкан вазифалар турганига барчанинг эътиборини қаратди. Яъни улардан бири Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштириш бўлса, иккинчиси, мамлакатимиз ёшларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш эканини қайд этди.

Миллий давлатчиликни юксалтириш омили

Ривожланган давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратилса, ҳар бири ўз миллий модель ва имкониятларидан келиб чиқиб йўл тутиши натижасида юксак тараққиётга эришганини кўриш мумкин. Лекин масалага илмий нуқтаи назардан эътибор қаратилса, муайян умумийлик кўзга ташланади. Мазкур умумийлик ҳуқуқ устуворлиги, сифатли таълим, қонун асосида қафолатланган иш ўрни, юқори ойлик иш ҳақи мисолида яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон ҳам янги даврга қадам қўйишда Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиб, ривожланишнинг бешта устувор йўналишга асосланган янги комплекс ва тизимли усулчини танлади.

Миллий давлатчилигимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, давлатда қатъий тартиб ва адолат бўлиши икки томонлама ҳусуниятга эга. Биринчидан, давлат томонидан ҳуқуқ устуворлигининг расмий ўрнатилиши бўлса, иккинчидан, фуқароларнинг уларга оғишмай амал қилишидир. Айни вақтда юртимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш гоят муҳим аҳамият касб этиб, ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ёшлар фикри

ОЛИЙ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ



Моҳинисо ШОМУРОДОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси, "Ёш китобхон" танлови ғолиби

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ёшлар форумида Президентимиз билан бўлган учрашувда шунга амин бўлдимки, биз, ёшлар юксак даражада қўллаб-қувватланганидан, гоё ва тадриқларимиз беъэтибор қолмайдиган имкониятлар юртида яшаймиз.

Зотан, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Шу боис, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, аввало, раҳбар ходимлар, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, мазкур қоидаларга барча жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ҳуқуқ устуворлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади. Ушбу янги тизимли, барқарор ривожланиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Конституциямизга етти марта киритилган ўзгариш, қабул қилинган бешта кодекс ва икки юз элликка яқин қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сифатли таълим кафолати

Ўзбекистоннинг давлат сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан бири муҳим ижтимоий қатлам саналмиш ёшларнинг мамлакатимиз умумий аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ташкил этишида кўринади. Конституциямизнинг юридик табиати, мазмуни ва фалсафасига эътибор қаратган инсон буни англаши шубҳасиз. Конституция ўзига мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда бурчларини тўлиқ муҳассам этган. Буни Бош қонунимизнинг муқаддимасидаги "давлатнинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаши" ёки "барчага билим олиш ҳуқуқи берилгани ва бепул умумий таълимнинг давлат томонидан қафолатлангани" ёҳуд "воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги", "ота-оналарнинг ўз фарзандларини, давлат ва жамиятнинг етим болаларни воёга етгунча боқиш ва тарбиялаш мажбурияти" ҳамда "оналик ва болалиқнинг давлат томонидан муҳофазаланиши", шунингдек, "воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти" каби конституциявий нормаларда ўз ифодасини топтинида кўриш мумкин.

Ёшлар ҳуқуқи деганда, табиийки, давлатнинг узлуқсиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириши натижасида "фаол фуқаро"ни тайёрлаш концепциясини амалга ошириши тушунилади.

Сўнгги тўрт йил давомида юртимизда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълимнинг муҳим босқичи бўлган мактабгача таълим соҳасида залворли ислохотлар ўтказилиб, замонавий бочалар сони уч баробар ошди. Болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етди. Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий бочга ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Давлат ҳуқуқ воситасида мактаб ишларида тартиб ва адолатли ҳамда тизимли муҳит яратишга киришди. Жамиятда ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш-

га қаратилган ишлар бошланди. Мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Муаллим тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозлиқлар кескин камайтирилди. Педагоглар ишини енгиллатиш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишлари якунланиб, "Онлайн мактаб", "Рақамли ва хавфсиз мактаб", "Электрон дарслик", "Электрон кундалик" каби тизимлар жорий этилади. 2020 йил охиригача мактабларни кенг полсосали интернет тармоғига улаш даражаси етмиш фоизга етказилди. Келгусида барча мактаблар юз фоиз интернет билан таъминланади.

Давлат ўз имкониятини ишга солиш натижасида миллий давлатчилигимиз ҳамда халқ фаровонлигини таъминлаш нуктаи назаридан мактаб муаммосига умуммиллий масала деб қараш гоёсини шакллантиришга жадал киришмоқда. Яқин кунларда мамлакатимизда мактаб фақат таълим берадиган маскан эмас, балки барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касб-хунар ва ҳаётга ўргатувчи муқаддас даргоҳга айланади.

Олий таълим тизимида ҳам туб ислохотлар бошлангани давлатнинг сифатли таълим бериш функцияси ишлаётганини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда сўнгги тўрт йил мобайнида кирк еттига янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртиларнинг сони бир юз йигирма бештага етди. Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шакллари қайта тикланиб, қабул квоталари оширилди. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан бу йил 25 фоизга етган бўлса-да, бу ишларни ёшларимиз учун янада кенгайтириш зарурати сакланиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ёшлар ҳуқуқлари ва сифатли таълимни таъминлаш борасидаги фаолияти халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас. ЮНЕСКО эксперти Вибекке Йенсеннинг сўзларига қараганда, жаҳондаги 193 мамлакатнинг фақат учдан бир қисмида бошлангич мактаблар педагоглар билан таъминланган. Таҳлилчилар бошлангич таълим бериш учун жаҳон мамлакатларига 5,2 миллион мутахассис зарурлигини айтади.

Шу боис, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция қабул қилиш зарурлиги тўғрисида билдирган таклифи дунё давлатларини ёшлар тақдир ва келажак борасидаги масъулиятини ўз зиммаларига олишга ундовчи ўзига хос қақриқ бўлган эди. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг жорий йил 23 сентябрь кунини бўлиб ўтган 75-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятини Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди. Мазкур конструктив тақлиф, табиийки, ёшларнинг минтақавий ва глобал муаммоларининг олдини олишга хизмат қилди.

Хусусан, яқинда ўтказилган Ёшлар форумида давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар ўрганишини рағбатлантиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди. Келгусида



уларнинг рўёбга чиқиши орзу-ниятлари ушалишига ишонган миллионлаб ўғил-қизлар учун умид маёғи бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар бандлиги — устувор масала

"Янги Ўзбекистон" иборасининг халқаро майдонда катта ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинаётганининг сабаби давлат ривожланиш босқичининг илк кунидакё ёшлар сиёсатини тартибга солувчи дастлабки қонунни янги таҳрирда қабул қилиб, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга янгиқа ёндашув асосида киришгани билан изоҳланади. Давлат ўтган 25 йил мобайнида ёшларга оид давлат сиёсати натижасида йўл қўйган хатоларини очик тан олиб, бу борада самарадорликка эришиш учун қонуний ва адолатли йўлни танлади. Бинобарин, Конституция, қонун, Ҳаракатлар стратегияси, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, беш ташаббус ва турли давлат дастурлари асосида мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича, биринчидан, ҳисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иккинчидан, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш каби устувор вазифалар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Давлатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълимининг коллеж тизимидан фарзандларимиз манфаати нуктаи назаридан воиз кечгани тўғри йўл бўлди. Бунинг боиси шунки, бу тизим ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, уларга таълим бериш ҳамда иш билан таъминлаш борасида ўзини оқламади. Шунингдек, давлат ёшлар ҳаётида аслида мавжуд бўлиб, лекин

шу пайтгача яшириб келинган "уюшмаган ёшлар", "гастарбайтер", "ишсиз ёшлар", "хориждаги ёшлар", "камбағаллик" ва "темир дафтар" каби тушунчаларни тан олиб, уларни бартараф этиш учун илмий асосга эга, жадал ҳуқуқий саъй-ҳаракат олиб бормоқда.

Ёшларнинг иш билан бандлиги ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ўта долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли ишлар олиб бориляпти.

Чунончи, "Фидойи ёшлар гуруҳлари"-ни тузиш орқали ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ва мавсумий ишларга жалб этиш ёҳуд "Ёшлар қурилиш гуруҳлари"ни ташкил этиш ва олий таълим муассасалари талабаларини ёзги таътил вақтида ҳақ тўланадиган қурилиш ишларига жалб қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётир.

Бироқ ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлди, дейишга ҳали эрта. Бу борада бажарилиши керак бўлган муҳим ишлар етарли. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар кун, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан оғох бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас".

Ҳаётий манфаатлар ҳимояси

Мамлакатимизда воёга етаётган ҳар бир ўғил-қиз давлатнинг эртанги фуқароси ёки солиқ тўловчиси бўлишини унутмаслик керак. Айнан шу икки тоифа давлатчиликнинг асосини ташкил этишини назардан қочирмаслик лозим. Модомки, гап ёшларнинг ҳаётий манфаатлари ҳақида борар экан, уларнинг онгига болалигидан давлат ва фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари ўзаро боғлиқ эканини сингдириш лозим. Бу эса, табиийки, фуқаро ва

давлат ўртасидаги муносабатнинг опти-маллашувига замин яратади.

Ҳўш, давлат ўз ёшларининг юқори ойлик маош олиб ишлаши учун нималар қилиши керак? Бу дастлаб мамлакатда илм-фан, таълим-тарбияга жиддий эътибор қаратиш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асоснинг яратилишига боғлиқ. Шу боис, бу борада юртимизда муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш даркор. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасида Ёшлар парламенти иш бошлагани эътиборга молик.

Яна бир мисол. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёшларни ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга ўргатиш бўйича илғор халқаро тажриба-лар асосида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилмоқда. Ахборот технологиялари соҳасида бизнес юритиш бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилмоқда. Чунончи, таълим жараёнининг амалиёт билан уйғунлиги ёшларнинг профессионаллашувига замин яратади. Профессонал ҳодим эса ўз меҳнатининг қадрини яхши билади. Меҳнат бозоридаги талабаларга жавоб берган ҳодимнинг иш ҳақи ҳам юқори бўлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилмоқда. Юртимизда бугунги кунгача ёшларга оид қирқдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, ўттиздан ортиқ халқаро ҳужжат ратификация қилинди. Инчунин, ёшлар ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи қошида йигирма олпита нодавлат нотижорат ташкилот, хусусан, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам қўрастиш республика маркази, Ёш олимлар республика кенгаши, Ёш фермерлар кенгаши, Ёшлар туризми агентлиги, Ўзбекистон ёшлар умумжаҳон ассоциацияси, Ижодкор ёшлар республика кенгаши, Ёшлар медиа маркази, Ёшлар наشريёт уйи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар ҳам ёшларнинг меҳнат бозорида малакали кадрлар сифатида танланлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг ҳуқуқ устуворлиги, сифатли таълим бериш, қонун билан қафолатланган иш ўринларини яратиш ва юқори даражадаги ойлик маошини жорий этиш каби функциялари мантиқан бир-бирини тўлдириши билан аҳамиятлидир. Биринчидан, ҳуқуқ устувор бўлган давлатда шахс — жамият — давлат муносабатлари истиқболли ва манфаатли тарзда юксалади. Иккинчидан, фарзандларимиз узлуқсиз таълим тизими орқали қанчалки билимли бўлиб чиқса, уларнинг жамият ва давлат олдидаги масъулияти шунчалик юқори бўлади. Учинчидан, илм ва маърифатга ҳамда ташкилий-ҳуқуқий жиҳатга эътибор қаратган давлатда тараққиётга эришилади. Тўртинчидан, таълим ва амалиёт уйғунлиги таъминланган ёшларда оммавий фикрий янгиланиш содир бўлади. Янги Ўзбекистон эса Конституцияга амал қилиш ва ёшларга сифатли таълим беришдан бошланади.

ФОРУМДАН СЎНГ: АҲДИМ ҚАТЪИЙ, ИШОНЧИМ ЮКСАК



Иброҳимжон ҒАФУРОВ, "Мард ўғлон" давлат муқофоти соҳиби

Ўзбекистон ёшлари форумида давлатимиз раҳбарининг қатнашиши бизга катта куч, кўтаринки руҳ берди. Барча раҳбарлар — ҳоҳ у вазир бўлсин, ҳоҳ ҳоким, ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлиши кераклигини шахсий намуна бўлиб белгилаб берди.

Энди ёшларни эшитиш вақти келгани, барча вилоят ва туман ёки шаҳар раҳбарлари мунтазам равишда ёшлар билан учрашишини таъкидлаган экан, вилоят ва туман мутасаддилари — ҳокимлар йил якунида ёшлар олдида ҳисобот бериб, келгуси бир йиллик фаолият режасини яратишлари зарурлигини эслади ўтди. Бу эса ёшларнинг раҳбарларга ўз тақлифлари билан мурожаат қила олишлари учун катта имкон яратилганини аналтади.

Ёшлар форумидан сўнг ўз олдимга бир қанча қатъий мақсадлар қўйдим. Насиб этса, бу йил мактабни битириб, Ўзбекистон Миллий университети-нинг хорижий филология факультетида ўқишни давом эттираман. Бунинг учун рус ва инглиз тилларини астойдил ўрганялман. Келажакда мумтоз ва замонавий ўзбек асарларини хорижий тилларга таржима қилиш орқали миллий адабиётимизни жаҳонга олиб чиқишга ўз ҳиссамни қўишини ният қилганман.

Ўтган йили "Кармана тарихини ўрганамиз" қурик-танловида 1-ўрин соҳиби бўлдим. Танлов низомига

кўра, ғолиблар хорижий давлатларга мақсадли экспедиция уюштиришлари лозим эди. Жорий йил март ойига режалаштирилган сафаримиз пандемия туфайли ортага сурилди. Амерсфорт қалъасида Иккинчи жаҳон уруши даврида шафқатсизларча ўлдирилган 101 нафар номаялум ўзбек солдати қалъани зиярат қилиш мақсадида Нидерландия, Германия, Чехия, Австрия ва Польша давлатларига сафаримиз келгуси йилга қайта режалаштирилмоқда. Боиси, бу аскарларнинг аксари самарқандлик бўлиб, улар орасида қарманалиқлар ҳам борлиги айтилади.

Президентимиз вилоят ҳокимлари ҳар қайси туман ва шаҳардан 15 нафаргача ёшларни маданият ва санъат олийгоҳларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитишни, келгусида уларни ўз ҳудудида уй-жой ва мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш чораларини қўриш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу қишлоқ жойларида ҳам таълим сифати ва қўламнинг ривожланишига эътибор янада кучайтирилаётганини исботидир.

Ўзбекистон халқ артисти


Зикир Муҳаммаджонов таваллудининг 100 йиллигига



Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, ЎзФА Санъатшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон халқ артисти, “Дўстлик”, “Буюк хизматлари учун” орденлари соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов жиддий қиёфаси, бақувват, илдам қадам ташлаши, самимий сўрашиши ва дадил сўзлашуви билан хотирамда қолган. Бу инсондаги суҳбатдошга ҳурмат, ёшидан, касб-коридан қатъи назар, санъат ихлосмандларига эътиборни туйганман. Ҳар бир янги китоби чиққанида бизга етказишга шошиларди. Илм аҳлини жуда қадрлаганидан эди бу. У вақтларда анча ёш, театршунос сифатида тажрибасизроқ ҳам эдим. Лекин биз, танқидчиларнинг фикрига эътиборли эди. Санъат ва санъаткор тақдирига бефарқ эмас эди бу инсон.

Зикир Муҳаммаджонов кенг қамровли актёр эди. Умрининг деярли 75 йиллини Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида ўтказди. Саҳнада, кино ва телевидениеда яратган юздан зиёд образларининг ҳар бири катта маҳорат ва меҳнат натижасидир. Актёр ижодий биографиясида эътиборга молик образлар жуда кўп. Фердинанд (“Мақр ва муҳаббат”), Жалололдин (“Жалололдин Манғуберди”), Иван (“Сепсиз қиз”), Деҳқонбой (“Шоҳи сўзана”), Абдулатиф (“Мирзо Улуғбек”), Борис (“Момақалди-роқ”), Горацио (“Ҳамлет”), Кассио (“Отелло”), Ҳамза (“Ҳамза”), Фуқат (“Фуқат”), Беруний (“Абу Райҳон Беруний”), Эдигей (“Асрга татиғулик кун”), Самандар (“Са-мандар”), Синтаро (“Ўғирланган умр”), Октавия, Цезарь (“Юлий Цезарь”), Жаб-боров (“Парвоз”), Мирзакаримбой (“Қут-луг қон”), Юсуфбек ҳожи (“Уткан қунлар”), Навоий (“Алишер Навоий”) каби ролла-рида Муҳаммаджоновнинг ўзига хос ижод нафаси, овоздаги жўшқин эҳтирос, фик-ран теранлиги ва вазминлик, актёрнинг ўзигагина монанд имконият кучи намоён бўлган. Бир сўз билан айтганда, Зикир Муҳаммаджонов яратган образлар кучли психологик драматизми, романтик кўта-ринкилиги билан ажралиб турарди.



Тошкентда уруш тугаган йили очилган Театр ва рассомлик институти талабалари орасидан ўрин олган Зикир ёши энг катта талаба бўлгани сабаблими, ўқишга масъулият билан ёндашиб, уни иш билан бирга олиб борди. Кундузи ўқиди, дарсдан бўш вақтларда театрға — ишига ошиқди.

ташланади. Актёрнинг ижроси самимий-лиги билан ўзига тортиб, қаҳрамонга нисба-тан ачиниш ҳиссини уйғотади. Бу каби мураккаб характерли образлар талқини актёрнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ўқув юртидаги таълим ўзининг ижо-бий натижаларини берди. Абдулла Қаҳ-хорнинг “Шоҳи сўзана” асаридаги бош қаҳрамон Деҳқонбой образи ёш ак-тёрга ишониб топширилди. Актёр тал-қинидаги Деҳқонбой ёшлик шиқоати, ғайрати туфайли янги ҳаётнинг, янги ерларнинг ҳақиқий эгаси. Бу образга



САҲНАГА БАҲШИДА УМР



хос чапдастлик, оддийлик, фикрдаги собитлик, ҳар қандай мураккаб вазият-да ундан чиқиб кетишга куч топа олиш ватанга бўлган муҳаббатнинг натижаси ҳамдир. Актёр ўз қаҳрамонига хос ушбу сифатларни саҳнада ишонарли талқин этди. Тасвирлаш лозим, актёр ижроси-даги бу образ ўзбек йигитининг янгича намунаси эди.

Бу каби замондошлар қиёфалари ак-тёр ижодий биографиясида кейинчалик ҳам алоҳида ўрин тўтди. Асқад Мухтор асарлари асосида режиссёрлар Х.Ап-понов ва Б.Йўлдошев томонидан саҳна-лаштирилган “Самандар” спектаклидаги Самандар Саидов ва “Сахро тор”даги Заргаров қиёфалари бир-бирини тўлди-ради, дейиш мумкин. Бу образлар талқи-ни актёр ижодида беш йиллик танаффус билан ижро этилган бўлсада, ҳар икки характер ўртасида ўзига хос ички муноса-бат ва эволюцияни сезиш мумкин.

Хусусан, Самандар Саидовдек ҳаётда ҳамма нарсасга ўз меҳнати билан эриш-ган, ўзининг ҳақлигини меҳнат билан ис-ботлашга бел болаган шахс образини яратар экан, актёр қаҳрамоннинг ҳола-тини тушуниб ижро этади ва унинг меҳ-рибонлиги, самимийлигини ифодалашга интилади. Бунга актёр ҳаётда қийинчи-ликлар гирдобига тушиб қолган Сама-ндарнинг ички дунёсига эътибор қаратиш орқали эришади. Натижада томошабинга бу каби инсонларга ҳаётда эҳтиёж ма-вжудлигини кўрсатади. Бунда қаҳрамон ахлоқий қарашларини эмас, балки унинг атрофида юзага келган вазиятни ўзгарти-риш керак, деган хулоса келиб чиқади.

Заргаров қиёфасида актёр йирик раҳбар образини яратар экан, унда ҳам ишчанлик фазилатларини қаҳрамон хуш-муомалилиги ва одамуҳунлигидан аж-ратмаслиққа интилади. Заргаров барча нарсани тез англайдиган, қатъиятли, бир сўзли, шу билан бирга, ҳазилқаш инсон

ҳам. Актёр ижросида Заргаров — ноёб шахс, ўз кадр-қимматини чуқур ҳис қила-ди, кескин қарорларга келишга тайёр.

Ҳар икки ҳолда ҳам бош ролга З.Му-ҳаммаджоновнинг танланганига сабаб ак-тёрга хос ўйчан психологизмга мойиллик, зиёлиларга хос хатти-ҳаракатлар, таши-кичм, ижодий жиҳатдан фикри бир нуқта-га йўналтирилганлик, ўз ишига садоқат ва буларнинг бари замонавий қаҳрамон ҳақидаги тасаввурларга мос келганидан эди. Тилга олинган ҳолатлар актёр умри давомида яратилган қатор қаҳрамонлари характерида кўзга ташланади. Шу ўринда Ў.Умарбековнинг “Кузнинг биринчи кuni” драматик асари асосида тайёрланган спектаклдаги Шокир Султонов образи ёдга келади. Ҳали-хануз ўз бурч ва масъ-улиятини англаб етмаган ёшларга бағиш-лаб ёзилган ушбу асарда оилада бола тарбияси масаласи, ёшларнинг ҳаётга муносабатини кўрсатиш мақсад қилин-ган. Асар воқеаларини ёшлар билан боғлиқ биргина ҳаётий фожиа ҳаракатга келтирар экан, турли ахлоқий қарашлар ўртасидаги зиддият драматик ҳаракатга ҳаётийлик бағишлайди. Асар қонфлик-тини ташкил этган икки бир-бирига зид тушунча — ахлоқий поклик ва тубанлик орқали театр инсонлар ўртасидаги муно-сабатларни очишга интилади.

Актёр саҳнада яратган ҳар бир образ, у бош қаҳрамон бўладими ёхуд иккинчи даражаллими, қаҳрамон табиятини чуқур ўрганиш, хатти-ҳаракатлар натижаларини мулоҳаза этиб, бунда мантиққа ёндашган ҳолда ижро этилган. Бу каби сифатлар Зикир Муҳаммаджонов театр саҳнасида ижро этган тарихий шахслар образлари ижросида ҳам кўзга ташланади.

Уйғун ва Иззат Султон қаламига ман-суб “Алишер Навоий” драмаси Миллий академик драма театри саҳнасида иж-ро неча бор саҳналаштирилган. Пьеса-да Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро

ўртасидаги муносабатлар ҳаётдаги-дан кўра кескин, мураккаброқ қилиб берилган. Натижада Ҳусайн Бойқаро образи ўз тарихий прототипидан кўра, салбийроқ қиёфада гавдаланган. Бунга сабаб эса асар яратилган давр ҳукмрон мафкураси талабларидан келиб чиқиб, муаллифлар ўттиз йилдан зиёд ҳукм-ронлик қилган улкан салохиятли давлат арбоби, ҳукмдор образини тарихан ҳақ-қоний кўрсатиб беришга имкониятлари бўлмаганида эди.

Бош қаҳрамонларнинг ёшлик ва кек-салик даврларини турли актёрлар ижро этган. Навоийнинг ёшлик йилларини С.Умаров ва Б.Муҳаммадкаримов, кек-салик даврини эса З.Муҳаммаджонов ва Ё.Аҳмедов, навқирон Бойқарони М.Аб-дуқундузов ва М.Исмоилов, кексалиғи-ни эса Т.Азизов ва Т.Каримов гавдалан-тирган. Шу асно спектаклда улкан ҳаёт йўли босиб ўтилгани кўрсатилди. Зикир Муҳаммаджонов роль ижросига киришар экан, буюк шоир истеъдоди қанчалар кўп қиррали эканига, айни пайтда феъл-атворидаги олижаноблик ва назокатга алоҳида эътибор берди. Натижада актёр ижросида Навоий улкан маданият соҳи-би, юксак маънавий ғоялар тарғиботчи-си сифатида кўзга ташланади. Бундай ижро сабаб Навоий учун асарда илгари сурил-ган инсонпарварлик ғояларининг улғувор-лиги ва беқийслигини спектаклдаги пер-сонажларнинг барчаси ҳис этиб туради.

Навоийнинг феъл-атвори саҳнама-саҳна изчил ривожланиб, комиллик касб этади. Навоий — Зикир Муҳаммаджонов хунрезлигини тўхтатиш ва мамлакат бу-тунлигини сақлаб қолиш учун қайта-қайта сафарга чиқиб, Бойқаро — Т.Азизов мухо-лифларини муроसाга қақшириш мажбур бўлади. Астрободдаги зерикарли ўтган қунлар Навоий сиймосида қучайган ҳая-жонлар ва ташвишлар қанчалар шоирона кўтаринкиликка эга эканини яна бир кар-ра намоийш қилади. Бу лавҳада Навоий давлат арбоби ва шоир сифатида намоён бўлади. Ушбу кўринишда Навоийнинг ўз халқи ва ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқаро тўғрисида мулоҳаза юритиб, муҳолифлик қилаётган ижтимоий кучларни муроसाга келтириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари ишонарли талқин топган.

Спектаклнинг сўнги саҳнасидаги ижро, айниқса, эътиборли. Кексалиб қолган икки қадрдон — Навоий ва Бой-қаро бир-бирини авайлаб, бағрига боса-ди. Бироқ Бойқаронинг невараси Мўмин Мирзо қатл этилгани тўғрисидаги ҳабар адоват, қонсуңлиқ, адолатсизлик, хун-резлик сароида ҳамон давом этаётгани-дан далолат беради. Навоий эса ўзининг зату ғояларига аввалгидек содиқ, Ҳусайн Бойқаро эса биродаркушлик урушлари ва саройдаги фитна-фасодлар ҳолдан тойдирган ҳукмдор сифатида кўринади.

Султон Ҳусайн Бойқаро — Турғун Азизов тиз чўкиб, илтижо билан тикилиб қолар экан, Навоий — Зикир Муҳаммаджонов ўз дўсти ва ҳукмдорини тарқ этиб, севган халқи ва ижоди томон, яъни манғлиққа йўл олади. Бу каби ёндашув актёр ижо-дий биографиясида буюк тарихий шахс-лар сиймоларининг эътиборли қиёфала-ри яратилганини кўрсатади.

Зикир Муҳаммаджонов ижодий био-графиясида Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи асосида яратил-ган спектаклдаги Эдигей образи алоҳида ўрин тутади. Асарнинг бош қаҳрамони Эдигей Жонгелдин ҳалол, меҳнатқаш одам. У урушда қатнашиб, унинг қийин-чиликларини кўрган. “Бўронли” бекатида темир йўл ишчиси бўлиб ишлагунча бо-шидан не-не кўргулиқларни ўтказган, ба-рига чидаган. Эдигей мисолида жамият тарихининг муайян саҳифалари тилга олинади.

Публицистик руҳда спектакль яратиш-ни ният қилган режиссёр Р.Ҳамидов асо-сий эътиборини Эдигей тақдирига қарата-та ва бу борада кенг урф бўлган усулни танлайди. Бошқа персонажлар билан му-лоқотлар, қаҳрамоннинг мулоҳазалари, монологлари, шунингдек, муаллифнинг қаҳрамонга муносабатидан Эдигей обра-зи шаклланади. Мазмуни ва ҳажмига кўра, ниҳоятда кенг кўламли бу ролга бир неча актёр жалб қилинди. Асосий ижрочи З.Муҳаммаджонига энг ёрқин ва таъсир-ли кўринишлар тўғри келди.

Эдигей — қувонч ва қайғулар, зафар ва мағлубиятларни бошидан кечирган оддий одам. “Эл қатори оддий меҳнат-қашман. Ҳар бир нарсасга диққатвонлик қилиб, ташвишланишимнинг ҳоҷати бормикан”, дейди ўзига-ўзи Эдигей. Бу образнинг қудрати, алоҳида ўзига хосли-ги, янгилиги ва замонавийлиги шундаки, у ўзини мана шу қураан заминнинг бир зарраси сифатида ҳис қилади, жаҳонда рўй бераётган ҳар бир воқеага дахлдор ва масъул эканини сезиб туради. Пой-тахтда истиқомат қиласанми ёки ичим-лик сув четдан келтириладиган олис темир йўл бекатида яшайсанми, бу ду-нёда ҳамманинг қисмати бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шу маънода, ак-тёр ижросида Эдигейнинг ўз тақдир, қа-риндош-уруғлари ва она халқи ҳақидаги теран мулоҳазалари ниҳоятда қизиқарли ифодаланган.

Битта мақолада Зикир Муҳаммад-жоновнинг узоқ ижодий йўли давомида яратилган барча саънавий образларига тўхталишнинг иложи йўқ. Актёр ҳар хил характердаги қаҳрамонлар қиёфаларини яратар экан, асосан, образининг кучли жиҳатларини кўрсатишга эришди. Шу са-баб унинг қаҳрамонлари ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўз инсоний бур-чига содиқ инсонлар эди. Мана шу ҳис-латлари сабаб ҳам актёр томошабинлар эътиборига тушиб, уларни доимо ўзига жалб этиб келган бўлса, ажабмас. Балки шу унга умрининг охирига қадар суянган ишда ардоқлаган халқи учун хизмат қи-лишига куч бергандир.

Тил — миллий ғуруримиз

ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ИЖОД НАМУНАЛАРИ ХОРИЖДА ҲАМ ЎЗБЕКЧА ТАҚДИМ ҚИЛИНМОҚДА

Дилрабо ХОЛИҚОВА, “Хунарманд” уюшмаси раисининг маслаҳатчиси

Ҳар йили юртимизга минглаб сайёҳлар ташриф бууради. Улар Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Қўқон, Марғилон, Риштон, Бойсун, Нурота каби нафақат тарихий обидалар, балки ўзининг хунармандчилик марказлари билан донг таратган шахарларимиз билан танишиш учун минглаб қақирим йўл босиб келади. Ушбу марказларда кўплаб хунармандлар фаолият юритади. Хорижлик сайёҳларга қўлигул усталаримиз томонидан яратилган миллий хунармандчилик маҳсулотлари — каштадўзлик, зардўзлик, заргарлик, кандакорлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, абри матоларимизнинг бетакор намуналари тақдим этилади. Ушбу хунармандчилик маҳсулотлари ўзбек миллий бренди намуналарига айланиб улгурган.

Ҳар бир хунарманд ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни хорижий сайёҳларга ўзбекча номларда тақдим этади. Ўзбек сўзанаси, ўз-бек атласи ва адреси, кулочлигимиз на-муналари хорижда ҳам ўзбекча ном билан айтилиши кишида ўзгача ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Шу маънода ҳам “Хунарманд” уюшмаси томонидан уюшмага аъзо хунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ягона ўзбекча ном остида — миллий бренд сифатида хорижга тақдим этиш бўйича саёй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

2017 йилда ЮНЕСКОнинг Номоддий ма-даний мерос муҳофазаси бўйича энг яхши тахрибалар реестрига “Марғилон хўнар-мандчилиқ мактаби: атлас ва адрес тўқиш технологияси” номзодномаси киритилгани ҳам катта воқеа бўлди. Бугун дунёнинг кўз-

га кўринган мода олами намояндалари ўз-бек атласи ва адресидан ёки каштадўзлик намуналаридан тайёрланган либосларни тақдим этганда, ушбу матоларнинг айнан ўзбекча номда эълон қилиниши ҳам хунар-мандларимиз меҳнати, ҳам тилимизнинг жозибаси оламга юз тутаётганидан дало-латдир. Хусусан, ўзбекистонлик машҳур каштадўз ва дизайнер Мадина Қосимбаева жаҳон мода подиумларида ўзи яратган ли-босларни “Сўзана” бренди остида тақдим этади. Бу каби мисолларни кўплаб келти-риш мумкин.

Фикримизни мухтасар қилиб айтганда, бу каби ишларни барчамиз ўзимиздан, ўз оила-миз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тили-мизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда на-моён этишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3871.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усули**да босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Koloprak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳих: Мафтуна Минғобоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 23:20 Топширинди — 02:05

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:

бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақифландаи.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLOPRAK” МЧЖ масъул.